

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АХБОРОТ ТАҲЛИЛ
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Абдуҳакимова Наргиза Абдимуродқизи
ИИВАкадемияси 314-гуруҳкурсанти

Аннотация: Ушбу мақола орқали муаллиф профилактика инспекторининг ахборот таҳлил фаолияти, профилактика инспекторининг ахборот таҳлил фаолияти да амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ҳамда барҳам бериш жараёнида профилактика инспекторитомонидан амалга ошириладиган ишлар ҳамда уларнинг натижаларини расмийлаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг статистикасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш да амалга ошириладиган чора-тадбирлар, профилактика инспекторининг ахборот таҳлил фаолияти да юзага келган муаммоларни оқибатдаги ҳал қилиш, уларга барҳам бериш юзасидан тақлиф ланингил мий таҳлилин икелтириб ўтган.

Калит сўзлар: профилактика инспекторининг ахборот таҳлил фаолияти, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика инспекторитомонидан ўзига бириктирилган ҳудудда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг статистикасини ишлаб чиқиш, профилактика инспекторининг ахборот таҳлил фаолияти да илмий таҳлилнинг ўрни.

Аннотаци: Посредством данной статьи автор описывает информационно-аналитическую деятельность инспектора по профилактике, задачи, которые должны выполняться в информационно-аналитической деятельности инспектора по профилактике, работу, проводимую инспектором по профилактике в процессе предупреждения, борьбы с и ликвидации нарушений и оформление их результатов, формирование статистики нарушений, предупреждение нарушений меры, которые необходимо принять, проблемы и недостатки, возникающие в информационно-аналитической деятельности инспектора по профилактике, и научный анализ предложения по их устранению.

Ключевые слова: информационно-аналитическая деятельность инспектора по профилактике, предупреждение нарушений инспектором по профилактике, формирование статистики нарушений, совершенных инспектором по профилактике в закрепленной за ним сфере, роль научного анализа в информационно-аналитической деятельности инспектора по профилактике.

Annotation: Through this article, the author describes the information analysis activity of the prevention inspector, the tasks that must be performed in the information analysis activity of the prevention inspector, the work carried out by the prevention inspector in the process of preventing, fighting against and eliminating violations and formalizing their

results, developing statistics of violations, prevention of violations the measures to be taken, the problems and deficiencies arising in the information analysis activity of the prevention inspector, and the scientific analysis of the proposal regarding their elimination.

Key words:*information analysis activity of the prevention inspector, prevention of violations by the prevention inspector, development of statistics of violations committed by the prevention inspector in the area assigned to him, the role of scientific analysis in the information analysis activity of the prevention inspector.*

KIRISH

Бугун дунёдаги аксарият давлатлар Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эътироф этмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун-лардаги мавжуд нормалар жамият ҳаётини янада эркинлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги даражасини, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва шу орқали институционал ўзгаришларга таъсир қилишга қара-тилгандир.

Ахборот-таҳлил фаолияти жараёнида йиғилган, баҳоланган ва шарҳланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳужжат унинг натижаси ҳисобланади. Ахборот-таҳлил фаолиятининг натижаси бўлган таҳлилий ҳужжат шундай баён этилиши керакки, натижада ундан ички ишлар органлари фаолиятида муайян вазифаларни ҳал этишдаги аҳамияти аниқ ва равшан кўриниб туриши лозим. Бу таъриф ахборот ишининг «хом материали» ҳамда «якуний маҳсулоти ўртасидаги тафовутни тушуниб етишда ёрдам беради.

Ахборот-таҳлил фаолиятининг асосий мақсади, биринчи навбатда, тегишли фаолиятнинг тўғри ва самарали ташкил этилишига қаратилган долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга масъул бўлган мансабдор шахсларга кўмаклашишдан иборатдир.

Ахборот-таҳлил бўлинмалар Вазирлик ва республика олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ички ишлар органларининг тезкор-хизмат фаолиятига нисбатан аҳолининг муносабатини ўрганиш ва криминоген вазиятнинг ўзгариши бўйича истиқболларини белгилаш борасида ижтимоий ва криминологик тадқиқотларни ўтказиши. Бу мақсадда:

1. Ички ишлар органлари тезкор-хизмат фаолиятига оид тадқиқотлар мавзуларини белгилайди ва уларни ўтказиш учун буюртмалар тайёрлайди;

2. Тадқиқотларни ўтказишда бошқа ташкилотларни жалб этиш мақсадида асосланган таклифларни ички ишлар органи раҳбарига киритади;

3. Ўтказилаётган тадқиқотларни назорат қилади ҳамда бошқа соҳавий хизматларни жалб этилишини таъминлайди;

4. Вазирлик олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда криминоген вазиятнинг ўзгариши бўйича йиллик истиқболни тайёрлайди;

Хизмат ҳудудида тезкор вазият ва ички ишлар органлари тезкор-хизмат фаолиятига нисбатан аҳоли, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг муносабатини ўрганади;

5. Ижтимоий фикрни ўрганиш натижалари бўйича ички ишлар органи раҳбари учун ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлайди.

6. Криминологик прогноз ва жинойтчиликнинг ўзгаришларига доир истиқболлар асосида жинойтчиликнинг олдини олиш, криминоген омиллар таъсирини камайтириш, шунингдек, тезкор-хизмат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

ХУЛОСА

Ички ишлар органлари тизимида ахборот-таҳлил фаолияти билан у ёки бу даражада барча ходимлар шуғулланидилар. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳар бир ходим ахборот-таҳлил ишининг усул ва воситаларини билиши ҳамда юзага келувчи вазиятларни тадқиқ қилишда улардан самарали фойдалана олишлари лозим. Илмий услубларни эътиборга олмаслик ёки улардан фойдалана билмаслик нафақат вақт ва кучни исроф қилишга, балки кейинчалик муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ахборот-таҳлил фаолиятига оид «ахборот», «таҳлил», «фаолият», «усул», «услугият (методология)», «информатика», «ахборот-таҳлилий таъминот услубияти», «ахборот-таҳлилий иш», «ахборотлаштириш», «ахборот ресурси», «ахборот технологияси», «ахборот тизими» каби асосий тушунчаларни билиш ва уларни тўғри қўллаш бу соҳада фаолият олиб боровчи ходимларга қўйиладиган асосий талаблардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021- йил 26-мартдаги Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш борасида Ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисидаги ПФ 6196 –сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 29.11.2021 йилдаги

ПФ-27-сон, Кучга кириш санаси: 01.12.2021 Манба: ҚММБ, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида